

Фикҳ 191- дарс. Намозда беҳуда ҳаракатлардан эҳтиёт бўлинг



19:00 / 07.07.2022 5534

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади.

مَلَفٌ نَزُولٌ مُبَاهٍ فِيهِ أَرْقَى مَلَّةً عَكَرَ لَصَ نَمٌ لُوقِي هُنَّ عُلَلِ يَضْرِبُ رَجَاجٌ نَعُ
عَحَّصَ وَ ذِمَّتْ لَهَا وَرَاءَ مَامِ الْإِءَارِ وَ نُكَي نَأْ أَلِ لَصُي

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади.

«Ким бир рақъат намоз ўқиса-ю, унда Уммул Қуръонни ўқимаса, намоз ўқимабди. Магар имомнинг ортида бўлса (ўқимасин)».

Термизий ривоят қилган ва саҳиҳ, деган.

Бу ривоятда имомнинг ортидан Фотиҳа сурасини ўқиб бўлмаслиги очиқ-ойдин айтилмоқда.

إِذَا: لَأَقِمَّ سَوَّهَ يَلَعُ هَلَلِ لَاصَّ يَبَّنِ لِنَعِ، يَرْغَشْ أَلِ سَومُ يَبَّأ نَعُ مَلْسُمَ يَوْرَ
«أَوْتَصَّنْ أَرْقَ إِو، أَوْرَبَّكَ فُمَامِ لِرَبِّكَ».

Имом Муслим Абу Мусо Ашъарий розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қачон имом такбир айтса, такбир айтинглар ва қачон қироат қилса, жим туриб тингланглар», деганлар».

نَإْفِ، مَامِ لِفَلِخِ يَصْ نَمَ: لَأَقِمَّ سَوَّهَ يَلَعُ هَلَلِ لَاصَّ يَبَّنِ لِنَعِ رِبَّاجِ نَعِ
«ةَ أَرْقُ هَلِ مَامِ لِفَلِخِ».

Жобирдан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким имомнинг ортидан намоз ўқиса, имомнинг қироати унинг қироатидир», дедилар».

Худди шу маъно Ибн Умар, Абу Саъид Худрий, Абу Ҳурайра, Ибн Аббос ва Ибн Молик розияллоҳу анҳумдан ҳам ривоят қилинган.

Шунингдек, хутбада ҳам.

تَلِقْ إِذَا: لَأَقِمَّ سَوَّهَ يَلَعُ هَلَلِ لَاصَّ يَبَّنِ لِنَعِ، نَعُ هَلَلِ يَصَّرَ رَزْرَهَ يَبَّأ نَعِ
ةَ سَمَّ لِهَ أَوْرَ. «تَوَعَلْ دَقْفُ بَطَّحِي مَامِ لِفَلِخِ أَوْتَصَّنْ أَرْقُ مَوْيَ كَبَحِ أَصَلِ».

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Жума куни имом хутба қилаётганида шеригингга «Жим тур», десанг, лағв қилибсан», дедилар».

Бешовлари ривоят қилишган.

Лағв – беҳуда, бефойда, маза-матрасиз гап-сўзлар ва хатти-ҳаракатлар.

Бу ҳадисдан жума куни имом хутба қилаётганида гапириш ҳаром экани келиб чиқади.

Бошқа бир ривоятда: «Ким «Жим тур», деса, гапирган бўлади, ким гапирса, жумаси қабул бўлмайди», дейилган.

Шунинг учун имом жуманинг хутбасини ўқиётганида ҳеч қандай гапни гапирмаслик керак.

Мана шу ҳадис ҳанафийларнинг «Имом хутба қилиш учун минбарга чиққанидан кейин намоз ўқиш ҳаром», деган қавлларига энг кучли далиллардан биридир. Бировга «Жим тур», дейиш амри маъруф. Амри маъруф – фарз. Фарз амални қилиб бўлмаганидан кейин, суннат намозини ўқиш жоиз бўлмаслиги турган гап.

Илло, қачон имом «Йа айюҳаллазина ааману соллуу алайҳи»ни қироат қилса, эшитувчи ичида салавот айтади.

Бу эса хутба пайтида гапирган ҳисобига ўтмайди.

«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди